

**Жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли тайинланган жазо озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога алмаштирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди кассация инстанциясининг 2011 йил 20 майдаги ажрими билан ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз тумани судининг 2010 йил 18 июндаги ҳукмига асосан ў. Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми «б» банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

ў.дан М. фойдасига 1.438.720 сўм, А. фойдасига 1.100.000 сўм, Б. фойдасига 310.000 сўм ундирилиши белгиланган.

Суд ҳукмига кўра, ў. 2007 йилнинг сентябрь ойидан 2009 йилнинг июль ойига қадар фуқаролар А., М. ва И.нинг ишончига кириб, уларга чорва моллари олиб бериш, чорва молларини боқиб бериш, буғдой олиб бериш ва бошқа ваъдаларни бериб, алдаб, уларнинг жами 1.650.000 сўмлик молларини, 1.740.000 сўм пулларини ҳамда 548.720 сўмлик 400 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

ў. ўз ҳаракатларини давом эттириб, 2009 йилнинг 1 декабрь куни Ё.га унинг давлат рақами 18 I 3016 бўлган “Москвич” русумли автомашинасини 2.500.000 сўмга сотиб олишини айтиб, алдаб, автомашинани Б.га сотиб юбориб, такроран ўзганинг 310.000 сўм пулини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Суд иш тафсилотларини тўлиқ аниқлаб, ў.нинг жиноий ҳаракатларини тўғри квалификация қилган.

Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги **“Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”**ги қарори тўққизинчи бандида, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра:

Жиноят кодексининг 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун-жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда;

Жиноят кодексининг 173, 175, 180, 181-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун — жиноят оқибатида етказилган моддий зарар уч баравар қилиб қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилишига, шу муносабат билан қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция, кассация, назорат инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъий назар, қамокда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги қайд этилган.

Ушбу Пленум қарорининг 17-бандида жиноят оқибатида етказилган моддий зарар озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахс томонидан ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг қопланган тақдирда кассация, назорат инстанцияси суди бу жазо турини Жиноят кодексининг 61,62-моддаларида назарда тутилган қоидаларга асосан бошқа жазо тури билан алмаштириши, бунда агар моддий зарар қопланган кунга қадар ўталган жазо

муддати бошқа жазо тури учун қонунда белгиланган энг кўп миқдордан ошган бўлса, суд жазони ўталган деб ҳисоблаши ҳамда маҳкумни дарҳол қамоқдан озод қилиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Жиноят ишини назорат тартибида ўрганишда ў.дан М. фойдасига 1.438.720 сўм, А. фойдасига 1.100.000 сўм, Б. фойдасига 310.000 сўм тўлиқ ундирилганлиги аниқланган.

Жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги суд ижрочилари бўлимнинг 2011 йил 24 май ҳамда 27 майдаги ижро иш юритувини тамомлаш тўғрисидаги қарорлари, тўлов-топширик квитанциялари ҳамда М. ва А.нинг тилхатлари билан тасдиқланган.

Бу ҳолат ў.га нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан тайинланган жазони озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога алмаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича Олий суд судлов ҳайъатининг 2011 йил 27 августдаги ажрими билан ў.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, унга Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан тайинланган 3 йил озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилди.

Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан ў.нинг 2010 йил 30 мартдан бошлаб қамоқда сақланган ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, жазони тўлиқ ўтаган деб ҳисобланади ва ў. жазони ўташ жойларидан озод этилди.

***Назорат иши ЖСХ-242-11***